

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ХАМРАЕВА ГАВХАР ХУСАНОВНА

**ДЕВИК ОПТИКОМИЕЛИТИ ВА ТАРҚОҚ СКЛЕРОЗДА КЎРИШ
АЪЗОСИ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК
АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ ДАВОЛАШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора медицинских наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Medical Science (DSc)

Хамраева Гавхар Хусановна

Девик оптикомиелити ва тарқоқ склерозда кўриш аъзоси
ўзгаришларининг клиник-диагностик асослари ва уларни даволаш..... 3

Хамраева Гавхар Хусановна

Клинико-диагностические аспекты и лечение изменений
органа зрения при оптикомиелите Девика и рассеянном склерозе..... 31

Khamraeva Gavkhar Khusanovna

Clinical-diagnostic aspects and treatment of vision organ changes
in Devic's neuromyelitis optica and multiple sclerosis..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 63

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ХАМРАЕВА ГАВХАР ХУСАНОВНА

**ДЕВИК ОПТИКОМИЕЛИТИ ВА ТАРҚОҚ СКЛЕРОЗДА КЎРИШ
АЪЗОСИ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ КЛИНИК-ДИАГНОСТИК
АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ ДАВОЛАШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Tib365 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.eyecenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Касимова Мунираҳон Садикжановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Иойлева Елена Эдуардовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Билалов Эркин Нозимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мухаммадиев Раҳмон Омонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

«SIOLAM EYE HOSPITAL»
Офтальмологик клиникаси
(Жанубий Корея, Сеул)

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «2» июнь кuni соат 13⁰³ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100173, Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халка йўли, 14-уй. Тел./факс: (+99871) 217-49-34; (+99871) 217-49-37; e-mail: eyecenter@inbox.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 501 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халка йўли, 14-уй. Тел./факс: (+99871) 217-49-34; (+99871) 217-49-37; e-mail: eyecenter@inbox.ru

Диссертация автореферати 2021 йил «17» май кuni тарқатилди.

(2021 йил «17» май даги 19 рақамли реестр баённомаси).



А.Ф. Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Ш.А. Джамалова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Каримова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра 3 миллиондан ортиқ беморлар марказий асаб тизими демиелинизацияловчи касалликлари билан хасталанганлиги қайт қилинган¹. Қатор олимлар томонидан олинган натижалар асосида «...кўрув нерви неврити кўп ҳолларда тарқоқ склерознинг биринчи аломати бўлиб ҳисобланади. Тарқоқ склероз кўрув нерви невритидан 5-7 йил ўтгач 45-75% ҳолатларда ривожланиши қайт қилинган...»². «Девик оптикомиелити билан хасталанган беморларнинг 80% ида кўрув нерви неврити миелит ривожланишидан олдин пайдо бўлиши, миелит эса кўриш қобилияти бузилганидан кейин 3 ойдан кечикмай пайдо бўлиши қайт қилинган»³. Девик оптикомиелити (Девик ОМ) ва тарқоқ склероз (ТС) касалликларининг ёш ва меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида тарқалиши, касалликнинг 60-80% ида кўрув нерви атрофияси ривожланиши оқибатида кўрув фаолиятларининг бузилиши кузатилади. Касаллик 70% дан ортиқ ҳолларда кўз бўйича ҳамда неврологик жиҳатдан ногиронликка ва меҳнат қобилиятининг чекланишига олиб келади. Касалликнинг эрта даврларида, кўз тубида офтальмоскопик ўзгаришлар ҳали аниқланмаган ҳолатларда кўрув йўллариининг нейродегенератив зарарланишини эрта аниқлаш қийин муаммо бўлиб, касалликни анъанавий функционал усуллар билан бирга демиелинизация аломатларини аниқлаш имконини берадиган сезгир усулларни қўллаш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда Девик оптикомиелити ва тарқоқ склерозда кўриш аъзоси ўзгаришларининг клиник-диагностик асослари ва уларни даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Девик ОМ ва ТС сабабли ривожланган кўрув нерви невритили беморларда кўрув аъзосининг клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш; демиелинизацияловчи касалликларнинг турли шаклларида офтальмологик ва нейроиммунологик маркерларини аниқлаш; бу беморларда невровизуализация усулларини қўллаган ҳолда кўрув аъзоси, бош ва орқа миёда нейродегенератив жараёнларини баҳолаш тартибини ишлаб чиқишдан иборат. Девик ОМ ва ТСда кўрув анализаторининг демиелинизация жараёнларини объектив баҳолаш усулларини такомиллаштириш зарур, бу эса касаллик этиопатогенезининг янги жиҳатлари ва таққослама - ташхислаш белгиларини очиқ беришга, ҳамда патогенетик йўналтирилган даволаш услубларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, кўз касалликларини эрта

¹Brown J, Quattrochi B, Everett C, Hong BY, Cervantes J. Gut commensals, dysbiosis, and immune response imbalance in the pathogenesis of multiple sclerosis. *Mult Scler.*, 2020, P. 234.

²Gajamange S. et al. Early imaging predictors of longer term multiple sclerosis risk and severity in acute optic neuritis. *Multiple Sclerosis. Journal Experimental, Translational and Clinical.* 2019, P. 1–9.

³Fragoso Y.D., Sousa N.A., Saad T. et al. Clinical Characteristics of Patients With Neuromyelitis Optica Spectrum Disorders With Early Onset. *J. Child Neurol.* 2019, №34, P. 487.

ташхислаш орқали унинг асоратларини камайтириш «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»⁴ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар демиелинизацияловчи касалликларда кўрув аъзоси ўзгаришларини ташхислаш ва самарали даволаш тартибини такомиллаштиришда тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим сабабларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁵. Девик оптикомиелити ва тарқоқ склерозда кўриш аъзоси ўзгаришларининг клиник-диагностик асослари ва уларни даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Дел Росарио университетининг кўз касалликлари бўлими (Колумбия), Женева университетининг кўз касалликлари бўлими (Швейцария), Гейдельберг университетининг тиббиёт факультети (Германия), Лос-Анджелес Калифорния университетининг Девид Геффен тиббиёт мактаби, Доэни кўз касалликлари институти (АҚШ), Нью-

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

⁵Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи:

www.uni-heidelberg.de, www.univ-agadez.edu.ne, www.umb.edu.pl, www.ucl.ac.uk, www.ninds.nih.gov, www.utoronto.ca, www.aub.edu.lb, www.medline.ru, www.medscape.com/ophthalmology, visionscience.com, www.retina.org/retina, elibrary.ru, medlib.ws, www.medlit.ru, www.rmj.ru, mntk.ru, www.opthal.org, www.retinajournal.com, www.bjophthalmol.com, www.eyeworld.org, www.aoj.org, www.djo.harvard.edu, webofscience.com, pubmed.com, www.dissercat.com, www.elsevier.com ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

Йорк давлат университетининг оптометрия бўлими (АҚШ), Варшава тиббиёт университети кўз касалликлари бўлими (Польша), Морфилд кўз шифохонаси (Буюк Британия), Вильнюс университети тиббиёт факультетининг кулоқ, томоқ ва кўз касалликлари бўлими (Литва), Дания Глоstrup шифохонасининг кўз касалликлари бўлими (Дания), Земмельвайс университети кўз касалликлари бўлими (Будапешт), академик С.Н. Федоров номидаги “Кўз микрохирургияси” маркази (Россия), Н.Н. Бурденко номидаги Нейрохирургия тиббиёт марказининг нейроофтальмология гуруҳи (Россия), Гельмгольц номидаги Москва кўз касалликлари илмий тадқиқот институти (Россия), академик Зарифа Алиева номидаги миллий Офтальмология маркази (Азербайжон), тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Девик оптикомиелити ва тарқоқ склерозда кўриш аъзоси ўзгаришларининг клиник-диагностик асослари ва уларни даволаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: ҳомиладор аёлларда Девик синдромининг оғир қайталанишини олдини олишда плазма алмашинуви натижасидаги даволаш тартибининг аҳамияти исботланган (Universidad del Rosario, Колумбия); оптик нейромиелит, яъни Девик синдромида аутоиммун ҳолат ривожланиши туфайли кўрув нерви ва орқа мия зарарланиши оқибатида тарқоқ склеротик ўзгаришлар юзага келиши исботланган (Hôpitaux Universitaires de Genève, Швейцария); бош мия оқ моддаси микроструктур ўзгаришларини ташхислашда диффузион магнит-резонанс томографиянинг (МРТ) аҳамияти ўрганилган (Sahgreńska Academy at the University of Gothenburg, Швеция); кўрув нерви нейропатиясида *in vivo* аксонал бузилишлар ўрганилган (University College London, Буюк Британия); ТС туфайли беморларда кўрув нерви невритини ўтказгандан сўнг кўрув фаолиятининг тикланиш механизмлари функционал МРТ усули ёрдамида исботланган (Institute of Neurology, Буюк Британия); ўткир оптик невритларда ганглиоз хужайраларнинг шикастланиши сканерловчи лазерли поляриметрия усулида асосланган (Simmelweis University, Венгрия); демиелинизация сабабли кўрув нерви неврити билан хасталанган беморларни даволашда юқори миқдорда гормонларнинг қўлланилиши сабабли ижобий натижалари ўрганилган (Optic Neuritis Treatment Trial); Девик оптикомиелити ва тарқоқ склерозда кўриш аъзоси ўзгаришларининг клиник-ташҳисоти ва даволаш самарадорлиги исботланган (Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Ўзбекистон).

Дунёда Девик оптикомиелити ва тарқоқ склерозда кўриш аъзоси ўзгаришларининг клиник-ташҳисоти ва даволашни илмий асослаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: Девик оптикомиелити ва тарқоқ склерозда кўриш аъзоси ўзгаришларининг этиопатогенетик сабабларини ва эрта ташхислаш муаммоларини асослаш; бу касалликлар сабабли ривожланган кўрув нерви невритида кўзнинг клиник-функционал ўзгаришларини қиёсий ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш; патологик жараённи жуфт кўзда ривожланиш

хавфини башоратлаш тизимини ишлаб чиқиш; касаллик сабабига кўра юқори самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш; Девик ОМ ва ТС касалликларининг кўрув нервидаги асоратларини олдини олиш чоратабирларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий адабиётларнинг кўплаб тадқиқотлари натижасида ТС туфайли кўрув нерви неврити (КНН) ривожланган беморларнинг электроретинограмма кўрсаткичлари асосланган, инфекция ҳолати баҳоланган (Елисеева Е.К., 2017), бу касалликда тўр парда ва кўрув нервининг объектив мезонлари аниқланган (Андрюхина О.М., 2019), тарқоқ склероз туфайли кўрув нерви атрофиясини эрта ташхислаш мезонлари кўрсатилган (Sormani M.P., 2014; Lavorgna L. et al., 2014; Vollmer T. et al., 2015; Иойлева Е.Э., Кривошеева М.С., 2018), касалликда оптик когерент томография ёрдамида тўр парда нерв толалари қатламида ўзгаришлар аниқланган (Синеок Е.В., 2015; Alonso R., 2018; Brandt A., 2018; Britze J. 2018; Garcia-Martin E., 2018; Sabaner M., 2020). Аммо Девик ОМ сабабли КННда тўр парда қатламларининг ўзгариши (Oertel F., 2018; Huang Y., 2019), уларни ТС сабабли КНН билан қиёсий баҳолаш мезонлари етарлича ўрганилмаган.

Илмий адабиётларда диффузион магнит резонанс томография ва магнит резонанс спектроскопия усулларининг тарқоқ склероз ташхисидаги аҳамияти аниқланган бўлишига қарамай (Enas E., 2018; Gajamange S., 2019; Dutra V., 2018; Hsu Y., 2020) оптикомиелит туфайли КНН бўлган беморларда МР-трактография ёрдамида кўрув йўллари ҳолатини миқдорий баҳолаш усуллари етарли даражада ўрганилмаган ва ТС сабабли КНН билан қиёсий баҳолаш амалга оширилмаган, КНН ривожланишига олиб келадиган иммунопатогенетик жараёнлар етарли даражада ўрганилмаган. КННда жуфт кўзнинг зарарланишини аниқлаш учун кўрув нерви тўқималарига қарши антитаналарни аниқлаш усулидан фойдаланиш, шунингдек КННда нейрон-махсус NSE оксидан фойдаланиш бўйича адабиёт маълумотлари топилмади. ТС кечишини ўзгартирувчи препаратларнинг пайдо бўлиши касаллик сонини ва ногиронликнинг ривожланиш даражасини сезиларли даражада камайтирди (Попова Е.В., 2017; Джапаралиева Н.Т., 2017). Аммо бу касалликларни қиёсий ташхислаш зарур, чунки ТС кечишини ўзгартирувчи воситалар Девик ОМ билан боғлиқ бўлган КННли беморларда самарасиз, ҳатто касаллик қайталаниш тезлигини ҳам ошириши маълум бўлган (Cree V. ва ҳаммуалифлар, 2019; Gao F. ва ҳаммуалифлар, 2019; Han M. ва ҳаммуалифлар, 2020). Айни пайтда адабиётда ушбу муаммо ечими бўйича нашрлар бир-бирига зид.

Ўзбекистонда кўрув нерви ва тўр парда касалликларини ташхислаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган: кўрув нерви касалликларини эрта ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқилган (Комилов Х.М., 1988), кўрув нерви ишемик ва туғма аномалияларидаги ўзгаришларнинг ўзига хосликлари баҳоланган (Касимова М.С., 2009; Зокирходжаев Р.А., 2018), макуляр дистрофия ва қандли диабетда тўр пардадаги ўзгаришларнинг замонавий ташхислаш усуллари ўрганилган

(Юсупов А.Ф., 2018; Джамалова Ш.А., 2018), бироқ, Девик ОМ ва ТСда кўриш аъзоси ўзгаришларининг клиник-ташҳисоти ва даволашни илмий асослашга қаратилган илмий ишлар бажарилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Девик ОМ ва ТС сабабли ривожланган КННни ташхислашда янги клиник-функционал тамойилларни асослаб бериш, бу касалликларнинг этиопатогенетик сабаблари ва ташхислаш муаммоларини ўрганиш, КННни ташхислашда функционал нейровизуализация усулларини такомиллаштириш, ОМ ва ТС сабабли ривожланган КННни янги даволаш схемаларини ишлаб чиқиш масаласи офтальмологияда долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий тадқиқотлар иш режаси «Кўрув аъзоси патологик жараёнларини ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш» (2016-2020 йй) доирасида, ҳамда ППИ-11 «ИЗ -20140910163222 «Соғлиқни сақлаш амалиётига кўрув нерви касалликларини ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини татбиқ этиш» инновацион давлат гранти асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Девик оптикомиелити ва тарқоқ склерозда кўрув аъзосининг ўзгаришларини эрта ташхисловчи офтальмологик маркерларни аниқлаш ҳамда бу касалликларни патогенетик даволаш услубларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Девик оптикомиелити ва тарқоқ склероз сабабли ривожланган кўрув нерви невритили беморларнинг кўрув аъзосининг клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш;

Девик оптикомиелити ва тарқоқ склерозда нейродегенератив жараён ривожланишининг офтальмологик ва нейроиммунологик маркерларини баҳолаш;

Девик оптикомиелити ва тарқоқ склероз сабабли ривожланган кўрув нерви невритили беморларда нейровизуализация усулларини қўллаган ҳолда кўрув аъзоси, бош ва орқа миёда нейродегенератив жараёнларни баҳолаш;

Девик оптикомиелити ва тарқоқ склерозда патологик жараённи жуфт кўзда ривожланиш хавфини башоратлаш ва олдини олиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш;

оптикомиелит, тарқоқ склероз ва яллиғланиш сабабли ривожланган кўрув нерви невритини таққослама - ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш;

кўзнинг клиник-функционал мониторинги ва ўзгаришларини комплекс баҳолашга асосланиб оптикомиелит ва тарқоқ склероз сабабли ривожланган кўрув нерви невритининг ташхислаш алгоритмларини ва патогенетик йўналтирилган даволаш чораларини ишлаб чиқиш;

кўрув нерви неврити билан ҳасталанган беморларда Девик оптикомиелити ёки тарқоқ склероз ривожланишини башоратлаш тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2012-2020 йилларда Республика офтальмологик шифохонасида Девик оптикомиелити, тарқоқ склероз ва яллиғланиш сабабли ривожланган кўрув нерви неврити ташхисланган 114 нафар бемор (178 та кўз) ва назорат гуруҳига 20 нафар (40 та кўз) амалий соғлом шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Девик оптикомиелити, тарқоқ склероз ва яллиғланиш сабабли ривожланган кўрув нерви невритини ташхислашда кўрув функциялари, тўр парда ва кўрув нерви хақида оптик когерент томография маълумотлари, электрофизиологик текширув натижалари, бош мия ва кўрув йўллариининг нейровизуализацион хусусиятлари, орқа миянинг нейродегенерациясида ўчоқли ўзгаришлар, кўз ёши ва қон зардобидида нейрон-максус енолаза (NSE) оксили, кўрув нерви тўқимасига нисбатан антитаначалар титри кўрсаткичларини аниқлаш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, офтальмологик, нейровизуализация, лаборатор ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оптикомиелит ва тарқоқ склерозда клиник жараённинг босқичига боғлиқмас ҳолда касалликни эрта ўзига хос белгиларидан бўлиб тўр парда нерв толалари ҳамда ганглиоз хужайралар қавати юпқалашиши эканлиги исботланган;

оптикомиелит ва тарқоқ склероз сабабли кўрув йўллари бўйлаб нерв толаларининг юпқалашиши, қисман узилиши, фракцион анизотропия ҳамда ўлчовли диффузия коэффицентининг ўзгариши нейродегенератив жараён ривожланиши билан боғлиқлиги МР-трактография ёрдамида исботланган;

оптикомиелит ва тарқоқ склерозда кўрув нерви миелин қобиғининг емирилиши ҳамда нерв тўқималарида деструктив жараёнлар ривожланиши сабабли кўз ёш суюқлигида neuron-specific enolase оксили кўрсаткичининг ишончли даражада ўсиши исботланган ҳамда кўрув фаолияти билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

илк бор кўрув нерви тўқималарига нисбатан антитаналарни қон зардобиди ва кўз ёшида ошиши, тўр парда нерв толалари ҳамда ганглиоз хужайралар қавати соғлом кўзда ҳам юпқалашиши, икки томонлама Р100 латентлик кўрсаткичининг ошиши жуфт кўзнинг зарарланишини башоратловчи мезонлар эканлиги исботланган;

оптикомиелит ва тарқоқ склероз сабабли кўрув аъзосида нейродегенератив жараёнларни ташхислаш, даволаш алгоритмлари ва касалликни башоратловчи модель ишлаб чиқилган ҳамда касаллик турига кўра патогенетик даволаш тартиби нейровизуализацион ва биокимёвий текширувлар асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Девик оптикомиелити ва тарқоқ склероз сабабли ривожланган кўрув нерви невритининг офтальмологик, электрофизиологик, нейровизуализацион ва иммунобиокимёвий солиштирма – ташхисий мезонлари ишлаб чиқилган;

демиелинизация сабабли кўрув нерви невритида кўрув нерви тўқималарига нисбатан антитаналарни аниқлаш услуги ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ қилинган;

кўз ёши ва қон зардобиде нейрон-махсус енолаза оксилени аниқлаш услуги такомиллаштирилган, ҳамда оптик когерент томография, чақирилган кўрув потенциаллари, МР-трактографиядан олинган маълумотларга асосланиб турли этиологияли кўрув нерви невритили беморларни олиб боришда табақалаштирилган ёндашув мезонлари ишлаб чиқилган;

Девик оптикомиелити ва тарқоқ склерозда кўрув нерви невритини ташхислаш, таққослама – ташхислаш алгоритмлари ва патогенетик комплекс даволаш услублари соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, офтальмологик, невровизуализация, лаборатор ва статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги, Девик оптикомиелити ва тарқоқ склерозда кўриш аъзоси ўзгаришларини ташхислаш ва даволашнинг ўзига хослиги ва ташхислаш натижалари ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти офтальмологияда Девик оптикомиелити ва тарқоқ склероз сабабли ривожланган кўрув нерви невритили беморларнинг кўрув аъзоси клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш ва ташхислашнинг замонавий ютуқларига катта хисса қўшилганлиги, ҳамда ушбу касалликлар ривожланишида келиб чиқадиган асоратларни даволаш тамойиллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий диагностик текширувларга асосланганлиги, Девик оптикомиелити ва тарқоқ склерозда кўздаги ўзгаришларни оптик когерент томография, чақирилган кўрув потенциаллари, магнит-резонанс трактография, иммунологик мезонларга таяниб эрта ва қиёсий ташхислаш алгоритмлари ишлаб чиқилганлиги, беморларни касаллик ривожланиши сабабидан келиб чиққан ҳолда касалликнинг даволаш самарадорлигини оширувчи, иктисодий сарф-харажатларни қисқартирувчи ва беморларнинг ҳаёт тарзи сифатини яхшиловчи даволаш алгоритмлари ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Девик оптикомиелити ва тарқоқ склерозда кўриш аъзоси ўзгаришларининг клиник-диагностик асослари ва уларни даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Девик оптикомиелитининг офтальмологик ўзгаришларини ташхислаш ва даволаш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-д/164-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома Девик ОМнинг офтальмологик ўзгаришларини ташхислаш ва даволашни самарали амалга ошириш имконини берган;

«Марказий нерв тизими демиелинизация касалликларининг нейроофтальмологик ўзгаришларини солиштирма ташхислаш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-д/164-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома марказий нерв тизими демиелинизация касалликларининг нейроофтальмологик ўзгаришларини солиштирма ташхислаш тартибини самарали амалга ошириш имконини берган;

«Тарқоқ склерозда кўрув аъзоси ўзгаришларини ташхислаш алгоритми» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-д/164-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома тарқоқ склерозда кўрув аъзоси ўзгаришларини ташхислаш алгоритмини самарали амалга ошириш имконини берган;

Девик оптикомиелити ва тарқоқ склерозда кўриш аъзоси ўзгаришларининг клиник-диагностик асослари ва уларни даволашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали ва Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 январдаги 8н-з/2-сон маълумотномаси). Олинган натижалар Девик оптикомиелити ва тарқоқ склероз сабабли ривожланган кўрув нерви невритини ташхислаш сифатини яхшилашга, даволаш даврини қисқартиришга, ремиссия даврини узайтиришга ва асоратлар сонини камайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 56 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 20 та мақола, улардан 15 таси республика ва 5 таси халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 182 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси

натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Девик оптикомиелити ва тарқоқ склерозда нейроофтальмологик ўзгаришларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Унда Девик ОМ ва ТС ҳақида замонавий маълумотлар, касалликнинг патогенези, клиник манзараси, янги нейровизуализация услублари, ОМ ва ТС фонидида ривожланган КННни даволаш бўйича замонавий йўналишлар, иммуносупрессив ва патогенетик даволашнинг аҳамияти таҳлил қилинган. Боб сўнгида таҳлил қилинган материал умумлаштирилиб, хулосалар берилган.

Диссертациянинг «**Девик оптикомиелити ва тарқоқ склерозда нейроофтальмологик ўзгаришларни ташхислаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган услублар баён этилган. Илмий ишда Республика клиник офтальмология шифохонасида 2012-2020 йилларда даволанган Девик ОМ, ТС ва яллиғланиш сабабли ривожланган кўрув нерви невритили 114 нафар бемор (178 та кўз) нинг текширув натижалари таҳлил қилинган. Беморларнинг 29 нафарини эркаклар, 85 тасини аёллар ташкил этди. Беморлар 18 дан 60 ёшгача оралиғида бўлиб, аёлларда ўртача ёш – $28,2 \pm 1,14$ ни, эркакларда эса $32,4 \pm 1,6$ ни ташкил этди, бу эса касалликни меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида тарқалганлигидан далолат беради.

Таққослама ташхислаш мезонларини аниқлаш учун беморлар уч гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ 31 та бемор (51 та кўз) – ОМ сабабли ривожланган кўрув нерви невритили (КНН), 2-гуруҳ 43 та бемор (69 та кўз) – ТС сабабли ривожланган КННли, 3-гуруҳ 40 та бемор (58 та кўз) – яллиғланиш сабабли КННли беморлар ташкил этди. Назорат гуруҳини 20 та амалий соғлом шахслар (40 та кўз) ташкил этди.

1-гуруҳ беморларга «Девик оптикомиелити» ташхиси халқаро ишчи гуруҳ томонидан тасдиқланган D.H. Miller мезонлари (2008 й) асосида қўйилди. 2-гуруҳ беморларга «Тарқоқ склероз» ташхиси McDonald (2017 й) мезонлари асосида қўйилди.

Девик ОМ ва ТС сабабли ривожланган КННли беморларга куйидаги даволаш тамойиллари тавсия этилди: умумий (пульс-терапия) ва маҳаллий глюкокортикостероидлар терапияси; антибиотиклар; десенсибилизацияловчи препаратлар; диуретиклар; витамин Д ва магний препаратларини қўллаш; нейропротектор даво; симптоматик даво (невролог билан бирга ҳаракат, сезги ва тос органлари касалликларини даволаш). Анъанавий даводан фарқ қилувчи бизнинг даволаш тактикамиз касалликнинг сабабига кўра дифференцирланган ёндашув, яъни Девик ОМда иммуносупрессив, ТСда иммуномодуловчи дори воситаларини қўллаш, ҳамда оптик когерент томография, чакирилган кўрув потенциаллари кўрсаткичларининг соғлом кўзда ўзгариши ва кўрув нерви тўқималарига нисбатан антитаналар титри ошишига кўра иккинчи кўзни ҳам эрта даволашдан иборат бўлди.

Девик ОМ сабабли ривожланган КННли беморларнинг даволаш самарадорлигини баҳолаш учун беморлар икки гуруҳчага бўлинди: биринчи асосий гуруҳчадаги 15 та беморга (26 та кўз) анъанавий даводан (яллиғланишга қарши, шишга қарши, десенсибилизацияловчи, антибиотиклар) фарқ қилиб комплекс давога иммуносупрессив дори воситасини (метотрексат 2,5 мг ҳафтасига 3 маҳал 6 ҳафта ёки азатиоприн 50 мг кунига 2 маҳал) ҳамда нейротектор препаратни (нуклео ЦМФ форте 2,0 мл мушак орасига 1 маҳал 10 кун) қўшиш билан бирга ўтказилди. Иккинчи назорат гуруҳчада – 16 та беморга (25 та кўз) анъанавий даволаш ўтказилган.

ТС сабабли ривожланган КННли беморларнинг даволаш самарадорлигини баҳолаш учун беморлар икки гуруҳчага бўлинди: биринчи асосий гуруҳчадаги 26 та беморга (42 та кўз) комплекс даволаш (анъанавий даво – яллиғланишга қарши, шишга қарши, десенсибилизацияловчи, антибиотикларга касалликни кечишини ўзгартирувчи препаратни – глатирамер ацетат 20 мг тери остига кунора қўшиш билан бирга) ўтказилган. Иккинчи назорат гуруҳчада – 18 та беморга (27 та кўз) фақатгина анъанавий даволаш қўлланилган.

Барча беморларга комплекс текширувлар ўтказилган, шу жумладан стандарт офтальмологик усуллар (визометрия, тонометрия, рангларга периметрия, қорачиқ реакцияларини текшириш, офтальмоскопия), махсус офтальмологик текширувлар: оптик когерент томография (ОКТ, “Carl Zeiss” фирмаси, АҚШ), компьютер периметрияси (Humphrey Field Analyzer 740 i “Carl Zeiss” фирмаси, АҚШ), А/В сканерлаш, авторефрактометрия; махсус текширув усуллари: бош, орқа мия ва орбитанинг МРТ текшируви ҳамда МР-трактография (BRIVO-355/1,5 Tesla GE, АҚШ), чақирилган кўрув потенциаллари ва электроретинография (“Нейрон-Спектр 4-ВПМ” фирмаси, Россия). МР-трактографияда олинган натижалар махсус дастур – Neuro 3D ёрдамида ҳисобланган. Бу дастур фракцион анизотропия кўрсаткичини (ФА), ўлчовли диффузия коэффицентини (ЎДК) ва уч ўлчамда ўтказувчи йўлларни реконструкция қилишни (трактография) ўз ичига олади.

Лаборатор усуллар: умумий қон ва сийдик таҳлили, пешобнинг Нечипоренко усулидаги таҳлили, ревмосинамалар, қонни герпес вирусга, цитомегаловирусга, токсоплазмага, LE ҳужайраларига, бруцеллэз, туберкулёзга текширувлари ўтказилган. Иммунологик текширувлар: умумий иммунограмма, кўрув нерви тўқималарига қарши ва аквапорин-4 оксигена нисбатан антитаналар аниқланди. Махсус лаборатор текширувлар: нейрон-махсус енолаза оксигенини (NSE), С-реактив оксигенини ва магний миқдорини кўз ёшида ва қон зардобиди, витамин Д ни қон зардобиди текширилган.

Нейрон-махсус NSE оксигени кўз ёши суюқлигида (КЁ) ва қон зардобиди (ҚЗ) иммунофермент таҳлили усулида автоматик электрохемилюминисцент иммуноанализатори Cobas e 411 (Roche Diagnostics, Швейцария) ёрдамида аниқланган. Қон зардобиди 25(ОН)D миқдори Abbott Architect 8000 (АҚШ) анализаторида иммунохемилюминисцент таҳлили орқали аниқланган. Магний ва С-реактив оксиген миқдорининг таҳлили автоматик биокимёвий

анализатор Flexor E (Vital Scientific, Нидерландия) ёрдамида аниқланган. Текширувлар М. Федорович номидаги шифохонада ўтказилган.

Кўрув нерви тўқималарига қарши антитаналар миқдори КЗ ва КЁда нотўғри гемагглютинация (РНГА) усули билан аниқланган, норма сифатида 1:16 титр олинган. Текширув «Иммунология ва инсон геномикаси» илмий текширув институтининг цитокинлар лабораториясида ўтказилган. Даволаш самарадорлиги кўрув фаолиятлари, ЧКП ва NSE оксиленинг миқдорий ўзгаришлари орқали даводан аввал, даводан 10 кун, 6 ой ва 1 йилдан сўнг баҳоланди.

Олинган маълумотларга IBM SPSS Statistics 23,0, NCSS стандарт дастурлар пакети ёрдамида статистик ишлов берилди. Статистик аҳамиятли натижа сифатида $P < 0,05$ кўрсаткич қабул қилинган.

Диссертациянинг «**Девик оптикомиелити ва тарқоқ склерозда кўрув аъзосининг клиник-функционал ҳолати**» деб номланган учинчи бобида демиелинизация сабабли КННда комплекс офтальмологик текширув натижалари баҳоланган. Девик ОМ ва ТС сабабли КННда беморлар кўрув ўткирлиги (КЎ) пасайишига (90,2% ва 95,6%), кўз олмаси ҳаракатида оғрикқа (41,2% ва 82%), асосан куннинг ёруғ пайтида кўрув ўткирлиги ҳамда предметлар контрастининг пасайишига (80,4% ва 84,1%) шикоят қилиши аниқланган. Утгофф симптоми (КЎ нинг жисмоний зўриқиш ва тана харорати кўтарилганида пасайиши) кузатилди. Демиелинизация сабабли КННнинг фарқ қилувчи белгиси бу кўрув ўткирлигининг ремиттирловчи тикланиши бўлиб, 62,7% ОМ да ва 55% ҳолатларда РС да кузатилди. Бунинг асосида демиелинизацияланган аксонларни ташқи таъсирларга сезувчанлигининг ортганлиги ётади.

Статик периметрияда ОМ ва ТСда тўр парда ўртача сезувчанлиги (MD) пасайиши ва ўртача квадратик ўзгариш (PSD) кўрсаткичи ортиши аниқланди. Кўрув майдонининг оқ рангга умумий чегаралари 1-гуруҳ ва 2-гуруҳда торайганлиги аниқланди ва мос равишда $370 \pm 23,9^\circ$ ва $334,2 \pm 20,14^\circ$ ни ташкил этди. Бу гуруҳларда марказий ва парацентрал скотомалар 80,4% (ОМ да) ва 84,1% (ТС да) ҳолатларда аниқланди. Кўрув майдони 1- ва 2-гуруҳда яшил рангга торайиши кузатилди, қизил рангга торайиши асосан 3-гуруҳда ялғизланиш сабабли КННли беморларда кузатилди.

Кўз қорачиғининг ёруғликка парадоксал реакцияси – «гиппус» 1-гуруҳда 66,7% ҳолатда ва 2-гуруҳда 79,7% ҳолатда кузатилди, бу эса демиелинизацияловчи хасталикларда афферент қорачиқ йўли шикастланиши белгиси бўлиб ҳисобланади. Тарқоқ склерозли беморларда кўз тубидаги ўзгаришлар сезиларли даражада эмас эди, бу адабиётлардаги маълумотларга тўғри келади. ОМ сабабли КННларнинг 37,2% ҳолатида кўрув нерви диски (КНД) чакка томони оқариши кузатилди.

Нейродегенератив жараён ОМ ва ТСли беморларда икки томонлама кўрув нерви неврити (64,5% ОМ да, 60,5% ТСда) ва диплопия билан намоён бўлди. Сезгининг бузилиши кўпроқ ТСда (65%), ҳаракат ва тос бузилишлари эса ОМда кўпроқ учради (55,8% ва 84% ҳолатларда), бу эса орқа мия соҳасида асаб тизимининг чуқур шикастланганлигидан далолат беради.

Турли этиологияли КННни ташхислашда стандарт офтальмологик текширувлар ишончли ҳисобланмайди. Шунинг учун объектив усулларни қўллаган ҳолда аниқ таққослама-ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Шу туфайли тўр парда ва кўрув нерви дискининг морфологик кўрсаткичларини **оптик когерент томография** (ОКТ) усули ёрдамида текширилди ва бу касалликларнинг таққослама-ташхисий мезонлари аниқланди. Тўр парда нерв толалари (ТПНТ) ўртача қалинлиги кўрсаткичининг таҳлилида бу кўрсаткичнинг ОМ сабабли КНН да 20% га ($p<0,05$), ТС беморларда 5,3% га пасайиши аниқланди. ТПНТ қалинлигининг юққалашиши ОМ сабабли КННда яққолроқ ифодаланди, бу эса аксонларнинг чуқур шикастланганидан далолат беради. Шунинг таъкидлаш жоизки, ОМ ва ТСда ТПНТ қавати қалинлиги юқори кўрув ўткирлигига эга бўлган беморларда ҳам юққалашганлиги аниқланган, бу эса кўрув фаолияти бузилмаган ҳолатда ҳам нейродегенератив жараён бошланганидан далолат беради.

Изданишларимиз натижасида тўр парда ганглиоз хужайралари ва ички плексиформ қават (ТГХ+ИПҚ) қалинлиги 1-гурух ОМли беморларда 25,6% га ($p<0,001$), 2-гурух ТСли беморларда 16% га ($p<0,001$) пасайиши аниқланди. Яллиғланиш сабабли КННли 3-гурух беморларда ТГХ+ИПҚ қалинлиги ўзгармади. ОМ ва ТС сабабли КННда аниқланган ТГХ+ИПҚ қалинлигининг пасайиши нейродегенератив жараён бошланганидан ва касалликнинг ривожланиб бораётганидан далолат беради. Бундан келиб чиққан ҳолда демиелинизацияловчи касалликларда ТГХ қалинлигининг ўзгариши ТПНТ қавати ўзгаришидан аввалроқ аниқланиши мумкинлиги исботланди. Демак, ТГХ+ИПҚ қалинлигининг пасайиши яллиғланиш сабабли КНН билан таққослама ташхислашда эрта мезон бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан асосий ОКТ кўрсаткичларнинг статистик ишончли интерваллари ҳар бир патология учун ҳисобланиб чиқилди. ТПНТ қаватининг ўртача қалинлиги 77,5 - 89,7 $\mu\text{м}$ оралиғида бўлганда оптикомиелит ривожланишига шубҳа, 95 - 103 $\mu\text{м}$ оралиғида – тарқоқ склерозга шубҳа қилиш мумкин. Яна бир сезгир индикатор бўлиб ТГХ+ИПҚ ўртача қалинлиги ҳисобланди, унинг қалинлиги 58 дан 66 $\mu\text{м}$ гача бўлганда оптикомиелит ривожланишига шубҳа, 66 дан 74 $\mu\text{м}$ гача оралиғида – тарқоқ склерозга шубҳа қилиш мумкин (1-жадвалга қаранг).

ОМ сабабли КННли беморларнинг иккинчи кўриш ўткирлиги юқори бўлган кўзини ОКТ ёрдамида текширилганда ТПНТ қаватининг ўртача қалинлиги 21% га юққалашганлиги ($84,3\pm 2,16 \mu\text{м}$), ТГХ+ИПҚ ўртача қалинлиги ҳам 15,8% га ($70,13\pm 1,7 \mu\text{м}$) юққалашганлиги аниқланди. Шундай ҳолат ТС ли беморларда ҳам кузатилди, бунда ТПНТ қаватининг ўртача қалинлиги жуфт кўзда 12,3% га ($93,7\pm 3,18 \mu\text{м}$), ТГХ+ИПҚ ўртача қалинлиги 9,2% га ($75,7\pm 1,78 \mu\text{м}$) юққалашганлиги аниқланди. Демак, тўр парда нерв толалари ҳамда ганглиоз хужайралар қавати соғлом кўзда ҳам юққалашиши жуфт кўзнинг зарарланишини башоратловчи мезонлар бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Демиелинизация сабабли кўрув нерви невритининг
оптик когерент томографиядаги асосий таққослама мезонлари**

ОКТ кўрсаткичлари	1 – гуруҳ (ОМ сабабли КНН)		2 – гуруҳ (ТС сабабли КНН)		Назорат гуруҳи
	M±m	P	M±m	P	
ТПНТ қаватининг ўртача қалинлиги (µм)	84,7±2,71	0,001	99,3±4,0	0,08	106,8±1,42
Кўрув нерви диски юзаси (мм ²)	1,92±0,04	0,001	1,82±0,06	0,001	2,37±0,04
Фовеа қалинлиги, µм	197,2±3,9	0,001	226,3±4,6	0,05	246,6±4,45
Макула қалинлиги, µм	208,2±4,56	0,001	256,3±2,4	0,001	280,3±2,53
ТГХ+ИПҚ ўртача қалинлиги, µм	62±1,1	0,001	70,1±2,19	0,001	83,28±1,33

Изох: P – фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли.

Тадқиқотимиз давомида **чақирилган кўрув потенциалларининг (ЧКП)** шахматли паттернга ўзгариши аниқланди. Латентликнинг N75 кўрсаткичи ОМли беморларда назорат гуруҳига нисбатан 32,8% га, ТСли беморларда эса 27,5% га юқорилиги аниқланди ($p<0,001$). Латентликнинг P100 кўрсаткичи таҳлилида 1-гуруҳда бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан 40% га ($p<0,001$), 2-гуруҳда эса 30,7% га ортганлиги аниқланди ($p<0,001$). Айтиш жоизки, латентликнинг N75 ва P100 кўрсаткичлари демиелинизация сабабли КННда нормага нисбатан 30-40% га ортиши, яллиғланиш сабабли КННда эса 5-10% га ортиши аниқланди. Латентликнинг 30% ва ундан юқори бўлиши кўрув йўлларида демиелинизациясига хос сезиларли ўзгаришлар борлигидан далолат беради. Латентликнинг ошишига сабаб нерв толаларининг нейродегенератив шикастланиши натижасида импульсларнинг ўтказувчанлик тезлиги пасайганлиги ҳисобланади (2-жадвалга қаранг).

**Текширув гуруҳларида чақирилган кўрув потенциаллари
кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили**

ЧКП кўрсаткичлари	1–гуруҳ (n=39)	2–гуруҳ (n=69)	3–гуруҳ (n=33)	Назорат гур. (n=12)
Латентлик N75, мс	100,7±2,44**	96,7,1±1,64**	80,34±1,4*	75,8±1,07
Латентлик P100, мс	144,1±3,47**	134,4±1,6**	108,2±1,7*	102,8±1,03
Амплитуда N75- P100, мкВ	4,07±0,28**	5,34±0,21**	14,1±0,93**	10,65±0,45
Амплитуда P100- 145, мкВ	4,73±0,29**	5,77±0,25**	12,5±1,01*	9,31±0,74

Изох: * – фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* – $p<0,05$; ** – $p<0,001$).

Бир томонлама кўрув нерви невритили 1 ва 2-гурух ОМ ва ТСли беморларда кўрув нерви бўйлаб импульс ўтказувчанлик тезлиги пасайиши туфайли латентлик N75 кўрсаткичининг соғлом кўзда ҳам 20,4% га (1-гурух) ва 6% га (2-гурух) ўзгариши аниқланди ($p < 0,05$). Бу эса кўрув трактининг хиазма орти соҳасида зарарланганидан далолат беради.

ЧКПнинг амплитуда кўрсаткичи таҳлилида ОМли ва ТСли беморларда бу кўрсаткич 61,8% ва 49,9% га пасайганлиги аниқланди ($p < 0,001$). Шунинг айтиш жоизки, иккала гурух солиштирилганда N75 ва P100 кўрсаткичларнинг амплитудалари ОМ сабабли беморларда пастроқ эди, латентликнинг P100 кўрсаткичи ушбу беморларда юқорироқ эди. Статистик аҳамиятли корреляция ЧКП кўрсаткичлари ҳамда кўрув ўткирлиги орасида аниқланган. ОМ сабабли КНнда P100 латентлиги ва кўрув ўткирлиги орасида тесқари корреляцион боғлиқлик аниқланди ($r = -0,47$), яъни кўрув ўткирлиги паст бўлганда латентлик ошиши ва амплитуда камайиши ($r = 0,31$) кузатилди.

Девик ОМда орқа миянинг **МРТ текширувида** бўйин-кўкрак қисмларида уч ва ундан ортиқ сегментларида ўчоқли ўзгаришлар 90,3% ҳолатда аниқланди, шу билан бирга бош мия оқ моддасида патологик ўзгаришлар фақатгина 10% беморларда аниқланди. Бундан ташқари кўрув нервининг (КН) сигнал характеристикаси ортиши ва периневрал субарахноидал бўшлиқнинг кенгайиши 72,5% ҳолатда аниқланди, бу эса ушбу текширув усулининг демиелинизация сабабли КНнда юқори самарадорлигини кўрсатади.

Тарқоқ склерозда 67,4% ҳолатда бош мия оқ моддасида субкортикал ва перивентрикуляр демиелинизация ўчоқлари аниқланди. Орқа миянинг бўйин-кўкрак қисмлари зарарланиши фақатгина 9% ҳолатда аниқланди, бунда демиелинизацияловчи ўчоқлар бир ёки икки сегментларда жойлашган эди, бу эса ОМ дан фарқловчи муҳим белгилардан бири бўлиб ҳисобланади. Аммо бош мия МРТ текшируви кўрув йўллари ҳақида тўлиқ маълумот бера олмайди, бу эса МР-трактография текширув усулини ўтказишимизга асос бўлди.

Девик ОМда **МР-трактография** ёрдамида КН соҳасида фракцион анизотропия (ФА) кўрсаткичининг 59,3% га пасайиши ва ўлчовли диффузия коэффициенти (ЎДК) 52,6% га ошиши, ҳамда кўрув йўлларида бу кўрсаткичларнинг (13% ва 27% га) ўзгариши аниқланди. ФА хужайра мембраналари бутунлигини ифодалайдиган кўрсаткич бўлганлиги сабабли унинг пасайиши нерв толалари миелин қаватининг шикастланганидан далолат беради. Тарқоқ склерозда ҳам худди шундай ўзгаришлар аниқланди. Бунда ФА кўрсаткичи КН соҳасида 35% га, кўрув ёйи соҳасида 10% га пасайиши аниқланди. Бу кўрсаткичларнинг ҳам кўрув нервида ҳам кўрув ёйларида ўзгариши, нерв толаларининг юпқалашиши ва қисман узилиши кўрув анализаторида нейродегенератив жараён ривожланишидан далолат беради. Бизнинг фикримиз бўйича кўрув нерви аксонларида яллиғланиш жараёни ривожланиши натижасида апоптоз механизми ишга тушади, бу эса

дегенератив жараёни кўрув йўлларига тарқалишига олиб келади (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Текширув гуруҳларида МР-трактография кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили

Клиник гуруҳлар	Кўрув нерви ФА кўрсаткичи			Кўрув нерви ЎДК кўрсаткичи		
	Ишончли интервал		Р	Ишончли Интервал		Р
	Пастки чегараси	Юқори чегараси		Пастки чегараси	Юқори чегараси	
1- гуруҳ (КНН+ОМ, n=21)	139,4	162	0,001	2074	2318,4	0,001
	150,6±3,57			2196,5±38,7		
2- гуруҳ (КНН+ТС, n=27)	218,4	258,4	0,001	1960	2108,7	0,001
	238,4±6,5			2034,4±24,2		
3- гуруҳ (КНН+яллиғланиш n=21)	206,4	306	0,001	1734	1935,3	0,001
	256,6±15,8			1834,7±31,9		
Назорат гуруҳи (n=10)	369,2±7,15			1438,4±29,5		
	Кўрув ёйи ФА кўрсаткичи			Кўрув ёйи ЎДК кўрсаткичи		
1- гуруҳ (КНН+ОМ, n=21)	453,9	512	<0,05	846,8	902	0,001
	482,9±9,17			874,4±8,74		
2- гуруҳ (КНН+ТС, n=27)	478,4	528	<0,05	800,3	874,6	0,001
	503,1±8,1			837,4±12,1		
3- гуруҳ (КНН+яллиғланиш n=21)	515,1	576,2	>0,05	648,5	703,4	>0,05
	545,6±9,7			675,9±8,7		
Назорат гуруҳи (n=10)	557,3±16,7			686,8±10,7		

Яллиғланиш сабабли КНН да кўрув нервида ФА кўрсаткичи 30,5% га пасайиши ва ЎДК 27,5% га ошиши аниқланди. Кўрув ёйида эса ФА ва ЎДК кўрсаткичлари ўзгармади, бу ҳолат демиелинизация сабабли КНН билан таққослама-ташхислаш мезонларидан биридир.

МР-трактографиядан олинган маълумотлар кўрув ўткирлиги (КЎ) кўрсаткичи билан корреляцияланди. ОМ сабабли КННли беморларда КЎ ва кўрув нерви соҳасидаги ФА кўрсаткичи орасида тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланди, яъни КЎ нинг пасайиши ФА кўрсаткичининг пастлиги билан бирга намоён бўлди ($r= 0,89$). ТС сабабли КННли беморларда ҳам КЎ ва кўрув нерви соҳасидаги ФА кўрсаткичи орасида тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланди ($r= 0,50$).

Тадқиқотимиз давомида ҳар бир касаллик учун асосий МР-кўрсаткичларнинг статистик ишончли интерваллари аниқланди. Бунда ФА индекси нормада $369,2 \pm 7,15$ бўлиб, агар 140-162 оралиғида бўлса оптикомиелитга шубҳа, 218-258 оралиғида бўлса тарқоқ склерозга шубҳа қилиш мумкин. Шу билан бирга сезгир кўрсаткичлардан бири бўлиб ЎДК кўрсаткичи ҳисобланади. Унинг 2070 дан 2320 оралиғида аниқланиши оптикомиелитга ҳос, 1960 дан 2070 гача – ТСга ҳос, 1730 дан 1940 гача яллиғланиш сабабли КННда кузатилиши аниқланди.

Диссертациянинг «**Демиелинизация сабабли кўрув нерви невритили беморларда иммунобиокимёвий кўрсаткичларни қонда ва кўз ёши суюқлигидаги ўзгаришларининг хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида иммунобиокимёвий текширувларнинг натижалари келтирилган.

Ўтказилган **нейрон-махсус енолаза (NSE)** оқсилнинг текшируви натижасида бу кўрсаткич ОМ сабабли КННда $32,3 \pm 0,85$ нг/мл гача ошиши аниқланди (95% ДИ 29,7-34,9 нг/мл), бу эса назорат гуруҳига нисбатан 2,3 баробар ($p < 0,001$) ошганлигини кўрсатади. Қон зардобидида эса бу кўрсаткич ўзгармади (95% ДИ 13,7-16,9 нг/мл). ТС сабабли КННда NSE кўз ёшида назорат гуруҳига нисбатан 1,7 баробарга ошди, бу эса нерв тўқималарида деструктив жараёнлар бошланганлигидан, аста-секин демиелинизация туфайли нерв толаларининг ҳалоки ва NSE оқсилнинг хужайралар шикастланиши туфайли хужайрадан ташқарига чиқишидан далолат беради. 3-гуруҳда эса NSE $7,33 \pm 0,44$ нг/мл ни ташкил этди. Бу гуруҳда NSE кўрсаткичининг пасайиши нерв хужайраларида гипоксия кучайиши ва анаэроб гликолиз жараёнларининг активлашуви билан боғлиқ деб ўйлаймиз (4-жадвал, 1 - расмга қаранг).


4-жадвал

Текширув гуруҳларида NSE кўрсаткичининг қиёсий таҳлили

Клиник гуруҳлар	Қон зардобидида NSE кўрсаткичи (нг/мл)			Кўз ёшида NSE кўрсаткичи (нг/мл)		
	Ишончли интервал		P	Ишончли интервал		P
	Пастки чегараси	Юқори чегараси		Пастки чегараси	Юқори чегараси	
1- гуруҳ (n=26)	13,7	16,9	0,06	29,7	34,9	0,001
	$15,34 \pm 0,51$			$32,3 \pm 0,85$		
2- гуруҳ (n=43)	11,1	14,0	0,16	21,2	24,9	0,001
	$12,5 \pm 0,48$			$23,03 \pm 0,62$		
3- гуруҳ (n=28)	12,6	16,3	0,4	5,9	8,7	0,001
	$14,47 \pm 0,59$			$7,33 \pm 0,44$		
Назорат гуруҳи (n=12)	11,4	16,03		10,8	15,9	
	$13,72 \pm 0,66$			$13,87 \pm 0,69$		

Турли этиологияли КННли беморларнинг биокимёвий кўрсаткичларини таққослаш орқали статистик ишончли интерваллар ҳисобланиб чиқилди, бунинг натижасида беморларда касалликни умумий

клиник манзараси намоён бўлгунга қадар неврологик ташхисни аниқлаш ва ўз вақтида неврологга юборишга ёрдам берди. Агар NSE кўрсаткичи КЁда 30-35 нг/мл гача бўлганда Девик ОМ ривожланишига шубҳа, 21 дан 25 нг/млгача оралиғида аниқланса ТСга шубҳа, 6,0 дан 9,0 нг/мл оралиғида аниқланса яллиғланиш сабабли КННга шубҳа қилиш мумкин.



1-расм. а) Турли гуруҳларда NSE ни кўз ёшидаги ўзгаришининг таққослама таҳлили; б) ОМ сабабли КННли беморларнинг кўрув ўткирлиги ва NSE оқсил ўртасидаги корреляцион боғлиқлик. Манфий корреляция кузатилди ($r=-0,64$).

Тадқиқотимиз давомида кўрув нерви тўқималарига нисбатан антитаналарнинг миқдорини аниқлаш услуги ишлаб чиқилган ва ихтиро учун патент олинган. Бир томонлама КННли беморларда кўз ёши ва қон зардоби текширувида антитаналарнинг миқдори ошганлиги аниқланди. Бу беморларни динамикада кузатувида иккинчи кўз ҳам зарарланганлиги аниқланди. Олинган натижаларга кўра 1-гуруҳда Девик ОМ сабабли КННли беморларда кўз ёши суюқлигида 3,2% беморларда антитаналарнинг нормал титри (1:16) аниқланди, 32,2% ҳолатда – кўрсаткичнинг 1:32 нисбатга ошиши, 51,6% ҳолатда эса 1:64, 13% ҳолатда 1:128 нисбатда ошиши аниқланди. Жуфт кўз текширилганда 55% ҳолатда титрнинг 1:32 га ошиши, 32,2% ҳолатда 1:64 га, 3,2% ҳолатда 1:128 га ошиши кузатилди. Бу гуруҳдаги беморлар динамикада кузатилганда 64,5% ҳолатда иккинчи кўз зарарланиши аниқланди.

Тарқоқ склероз сабабли КННли беморлар шикастланган кўзининг кўз ёш суюқлигида 62,8% ҳолатда антитаналар титри 1:32 га, 35% ҳолатда 1:64 га ошиши аниқланди. 9,3% ҳолатда эса титр жуда юқори эди ва 1:128 ни ташкил этди. Жуфт кўзлар текширилганда антитаналар титри 62,8% ҳолатда 1:32 ни, 28% ҳолатда 1:64 ни ташкил этди. Бу гуруҳ беморлар кейинчалик кузатилганда 60,5% ҳолатда жуфт кўзда кўрув нерви неврити ташхиси қўйилди.

Яллиғланиш сабабли КНН ли беморлар зарарланган кўзининг кўз ёш суюқлигида 32,5% ҳолатида титр 1:32 га, 45% ҳолатида 1:64 га, 5% ҳолатда 1:128 га ошганлиги аниқланди. Жуфт кўзни ёш суюқлиги текширилганда 62,5% ҳолатда антитаналар титри 1:32 ни, 17,5% ҳолатда 1:64 ни ташкил

этди. Бу гуруҳдаги беморлар кузатилганда 45% ҳолатда кейинчалик иккинчи кўзнинг зарарланиши аниқланди (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Текширув гуруҳларда кўз ёшида кўрув нерви тўқималарига қарши антитаналарнинг қиёсий таҳлили

Кўрув нерви тўқималарига қарши антитаналар титри	1 – гуруҳ (n=31)		2 – гуруҳ (n=43)		3 – гуруҳ (n=40)	
	Шикастланган кўз	Жуфт кўз	Шикастланган кўз	Жуфт кўз	Шикастланган кўз	Жуфт кўз
1:8	-	-	1 (2,3%)	1 (2,3%)	1 (2,5%)	1 (2,5%)
1:16	1 (3,2%)	3 (9,6%)	3 (6,9%)	3 (6,9%)	6 (15%)	7 (17,5%)
1:32	10 (32,2%)	17 (54,8%)	20 (46,5%)	27 (62,8%)	13 (32,5%)	25 (62,5%)
1:64	16 (51,6%)	10 (32,2%)	15 (34,9%)	12 (27,9%)	18 (45%)	7 (17,5%)
1:128	4 (13%)	1 (3,2%)	4 (9,3%)	-	2 (5%)	-
M±m	60,4±5,5	43,9±4,1	50,4±4,6	39,2±2,5	48,2±4,3	34,2±2,4

